(?, Бухоро - 1727-йил декабр, Хива)
(1715-1727)

Хива хони. Шайбонийлардан. Жонтўрахоннинг ўгли. Мадрасада тахсил олган. 1715-йил Ёдгорхон вафотидан сўнг, Бухородан келтирилиб Хива тахтига ўтказилган. Шергозихонга карши Орол бўйида яшовчи кораколпоклар Ишимхон бошчилигида исён кўтаришган. Шергозихон улар устига кўшин тортиб катта ўлжалар, кўплаб асирлар билан кайтган. 1715-йил Шергозихон Хуросонга юриш килиб Машхадни эгаллаган, Нишопурни камал килиб эгаллай олмаган (1716). Шергозихон хукмронлиги даврида Хива хонлигига карши Россия боскинчилик хамласини бошлади. Россия подшиси Пётр И 1714-йили Бекович-Черкасский харбий экпедитсиясини Хивага юборди. Бекович-Черкасский харбий экпедитсиясининг кириб ташланиши (1717) Хива-Россия мунасабатларини кескинлаштириб юборди. Муносабатни юмшатиш учун 1720-йил Хива элчилари Россияга жўнатилган, лекин элчилар аъзоси камокка олинган, улардан атиги бир кишигина Хивага кайтишга муваффак бўлган. Россия хукумати Хива хонлиги оркали Ўрта Осиёга кириб келиш фикридан воз кечмаган, бу пайтда Россияда Бухоро хонлигининг Кулибек бошчилигидаги элчилари бор эди. Россия хукумати Ф. Беневенини уларга кўшиб Бухорога жўнатган ва Бухоро хонлигини Хивага карши гиж-гижлаган. Шергозихон Орол бўйидаги исёнкор кабилалар русларни Хивага бошлаб келишидан ва ўрнига Бухородан келтирилган (1721) Темур султонни хон килиб кўтаришларидан хавотирда эди. Темур султон хонликдаги Вазир, Гурлан, Шохобод, Баглон, Уйгур, Янги Урганч, Хонка ва Хазораспни олган бўлса-да, бутун хонликни эгаллай олмаган. Хонликдаги ички курашлар Шергозихон вафотига кадар давом этган. Шергозихон Хивадаги мадраса (Шергозихон мадрасаси) курилиш чогида машхадлик гуломлар томонидан ўлдирилган. Мунисининг ёзишича, Шергозихон одил, маърифатпарвар хукмдор бўлиб, кўп вактни илм ахли билан сухбатда ўтказган. унинг даврида илм-фан ва шеърият ривожланган.